

# **Узун туманидаги “Янги рўзғор” ва “Файзова” маҳалла фуқаролар йиғинини иккига бўлиш тўғрисида**

## **Узун туманидаги “Янги рўзғор” ва “Файзова” маҳалла фуқаролар йиғинини иккига бўлиш тўғрисида**

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 йилдаги 5 сон, 111-модда;), Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4944-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 69-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 марта «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 48-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда) талабларидан келиб чиқсан ҳолда, Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши **қарор қиласи:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Узун туман кенгашининг тумандаги айrim маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ва янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
2. Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳаллалар фуқаролар йиғини ва уларнинг номи 1 иловага, бўлинини ҳисобига ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғини чегаралари тавсифлари 2 иловага мувофиқ тасдиқлансан.
3. Туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 51 та деб ҳисоблансан.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари З.Абданов ва Маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш бўлими бошлиғи (Д.Сафарова):

янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

худудларга ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Туман молия бўлими (Б.Баратов):

янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгashi раисининг биринчи ўринбосари (С.Гулбоева), Эр ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қорақулов),  
Давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев): мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

7. «Боботоғ тонги» газетаси таҳририяти (И.Бобокалонов)га мазкур қарорни расмий эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Ташанов зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси**

**Б.Турсунов**